

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2026 йил январь ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Қибрай туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Ч.Чоршамиев,

суд мажлиси баённомасини юритувчи судья ёрдамчиси Б.Улуғовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қибрай туман прокурорининг ёрдамчиси С.Самиғов, судланувчи З.Кучкаров ва унинг ҳимоячиси Қ.Хаитметов, жабрланувчи К.Ўктамовнинг иштирокида, Кучкаров Зафаржон Абдумуталовичга нисбатан 1-1107-2501/401-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Кучкаров Зафаржон Абдумуталович /Kuchkarov Zafarjon Abdumutalovich/, 1974 йил 12 август куни Наманган вилояти, Янгиқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, мукаддам судланган;

1. жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг 2017 йил 11 ноябрдаги ажримига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилган;

2. жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг 2024 йил 12 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой муддатга, ЖКнинг 62-моддаси тартибида, 1 йил 8 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ўталмаган жазо муддати 1 йил 1 ой 24 куни ташкил қилади, мавсумий ишчи, Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, “Қизилёзи” маҳалласи, Гулшан кўчаси, 28-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-авторда бўлиш ҳақида” тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, 2025 йил 22 декабрь куни ушланиб, 2025 йил 24 декабрь куни (бошқа иш бўйича) “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 15 ноябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни



А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Кучкаров Зафаржон Абдумуталович хавфли рецидивист бўла туриб, ўзганинг кўп миқдордаги мулкани жиноий йўл билан қўлга киритиш мақсадида, ушбу жиноий ниятини амалга ошириш учун фуқаро Ўктамов Комил Акромович билан танишиб, унинг ишончига кириб, унга ўзини гўёки “Кўйлик” деҳқон бозорида ҳўл мевалар савдоси билан шуғулланишлигини маълум қилиб, унга келгусида Россия Федерациясига ҳўл мевалар маҳсулотини улгуржи нархларда сотиб мўмайгина пул маблағларга эга бўлишлигини ва сотилган маҳсулот даромадидан эса кўшимча 1.000 АҚШ долларини пул маблағларини бериш мажбуриятини зиммасига олиб, ушбу мажбуриятни бажариш ниятига ва имкониятига эга бўлмай, келгусида ўзининг фойдасига текинга қаратиш мақсадида, 2025 йил 12 июнь кунидан то 2025 йил 30 июнь кунига қадар К.Ўктамовнинг Қибрай тумани, “Ёнарик” МФЙ, Бирдамлик 6-берк кўчаси, 1-уйида 16.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни алдов йўли билан қўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

Натижада, фуқаро К.Ўктамовга нисбатан 202.344.960 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Кучкаров Зафаржон Абдумуталович, унга нисбатан эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билидирб, ҳақиқатдан ҳам Ўктамов Комил Акромовични тоғаси “Убайдулла” орқали танишиб қолганини, у асосан “Кўйлик” деҳқон бозорида ҳўл мевалар савдоси билан шуғулланиб келишини, ҳақиқатдан ҳам 2025 йил 12 июнь кунидан 2025 йил 30 июнь кунига қадар К.Ўктамовнинг Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Ёнарик” МФЙ, Бирдамлик 6-берк кўчаси, 1-уйида унинг жияни С.Саидимуратовдан жами 16.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни Россия Федерациясига ҳўл мевалар маҳсулотини улгуржи нархларда сотиб, даромад олиши керак бўлганини, фойдасидан кўшимча 1.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини қўшиб бериши учун олганини, сўнг пул маблағларини ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганини, ҳозирда ушбу пул маблағларининг 11.000 АҚШ долларини қайтариб берганини, 5.000 АҚШ доллари қолганини, агарда имкон берилса ушбу пул маблағларини ҳам қоплаб беришини билдириб, суддан оилавий яшаш шароитини, оилада ягона боқувчи эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Уктамов Комил Акромович, ҳақиқатдан ҳам у тадбиркорлик, яъни Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Ёнарик” МФЙ, Бирдамлик 6-берк кўчаси, 1-уйида оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келиши, “Tandir baliqlar” тамаддихонасида иш юритиб келишини, З.Кучкаров билан “Нодир” исмли таниши орқали танишиб қолганини, З.Кучкаров ўзини йирик фермер сифатида таништирганини, у З.Кучкаровнинг Россия Федерациясига бир



фура “олхўри” мевасини экспорт қилаётганини, ҳар ҳафта бу ишдан соф фойда олинишини ва ундан ўзига тенг ярмини олишини ваъда қилганини, 2025 йил 11 июнда З.Кучкаров унга 12.000 АҚШ доллари миқдоридаги маблағини олиб, Россия Федерациясига мева маҳсулотларини юборишини, фойда кўришини айтганидан сўнг унга 12.000 АҚШ долларини жияни С.Саидимуратов орқали З.Кучкаровга берганини ва унга пул берилгани видеотасвирга олинганини, кейинчалик 2025 йил 22 июнь куни 3.000 АҚШ доллари ва 2025 йил 30 июнь куни яна 1.000 АҚШ долларини берганини, бу пул маблағларини мева маҳсулотларини сотиб олиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш учун деб олганини, 2025 йил 30 июнь куни З.Кучкаров унга экспорт маҳсулотлари деярли Россия Федерациясига борганини айтиб ишонтирганини, шунинг учун жияни С.Саидимуратовга З.Кучкаров келаётганлигини унга уйдан 1.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олиб чиқиб беришини айтганини, шу билан З.Кучкаров ундан жами 16.000 АҚШ долларини олиб кетганини, шундан 11.000 АҚШ долларини қайтариб берганини, 5.000 АҚШ долларини ҳар хил баҳоналар қилиб қайтариб бермаётганини билдириб, суддан судланувчидан унга етказилган зарарни ундириб беришни ва судланувчига қонуний жазо тайинлашни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Ақромов Зоиржон Комил ўғли, судланувчини танишини, 2025 йил 12 июнь куни соат тахминан 13:00 – 14:00лар атрофида, ўз яшаш хонадони ташқи томонида жойлашган “Tandir baliqlar” кафеси қаватида бўлган вақтда, унинг қариндоши С.Саидимуратов томонидан отаси К.Уктамовга тегишли пул маблағлари З.Кучкаровга берганини, шунингдек, ушбу пул маблағлари берилиш жараёни телефон орқали видеотасвирга туширилганини, у ўзига тегишли “Iphone 12” телефонида қариндоши С.Саидимуратовнинг З.Кучкаровга 6.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини берганини видеотасвирга олганини, З.Кучкаров ўзини йирик фермер сифатида таништириб, Тошкент шаҳридаги “Food city” бозорида полиз маҳсулотларини сотиб келишини айтганини, З.Кучкаров К.Уктамовдан 12.000 АҚШ долларини олиб, Россия Федерациясига экспорти қилмоқчи бўлганини ва соф фойданинг ярмини ҳамда пул маблағларини қайтариб беришини ваъда қилганини, З.Кучкаров кейинчалик ҳам 3.000 АҚШ доллари ва 1.000 АҚШ долларини кўшиб 4.000 АҚШ доллари олиб кетганини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Саидимуратов Саидакбар Ортикович, ҳақиқатдан ҳам жабрланувчи К.Уктамов тоғаси бўлишини, 2025 йил 12 июнь куни унга тоғаси К.Уктамов қўнғироқ қилиб, уларнинг яшаш хонадонларидан 6.000 АҚШ долларини З.Кучкаровга олиб чиқиб беришини айтганини, сўнг ўша куни тахминан соат 12:00–13:00лар атрофида, З.Кучкаров “Tandir baliqlar” кафеси ташқи қисмига келганини, унга дастлаб 6.000 АҚШ доллари бериб юборганини, кейинчалик кечки вақтда тоғаси К.Уктамов яна қўнғироқ қилиб, З.Кучкаровни кафега қайта келишини ва яшаш хонадонларидан 6.000 АҚШ долларини олиб чиқиб беришини, шу вақтда видеотасвирга олиш ва тилхат ёзишини буюрганини, соат тахминан



20:00–21:00лар атрофида З.Кучкаров қайта келиб, яна 6.000 АҚШ долларини олиб кетганини, З.Кучкаров 2025 йил 12 июнь куни олган 12.000 АҚШ доллари маблағини 2025 йил 22 июнга қадар қайтариш мажбуриятини ўз қўли билан ёзиб тилхат ёзганини, бир ҳафтадан кейин тоғаси К.Уктамов кўнғироқ қилиб, 3.000 АҚШ долларини З.Кучкаровга бериб юборишини ва видеотасвирга олишини буюрганини, шунга кўра у яна З.Кучкаровга 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини берганини, бундан ташқари, 2025 йил 30 июнь куни ҳам З.Кучкаровга 1.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини берганини, шу тариқа у тоғаси К.Уктамовнинг айтгани бўйича З.Кучкаровга жами 16.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини берганини ва бу ҳолатларни видео тасвирга олганини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи З.Кучкаров судда ўз айбига тўлиқ иқроп бўлиб кўрсатув берган бўлса-да, унинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айби, суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи К.Ўктамовнинг кўрсатуви, гувоҳларнинг кўрсатуви, тақдим этилган ҳужжат ва дискни қабул қилиш баённомаси, /и.в. 24-25/, видеони, ҳужжатларни кўздан кечириш баённомаси /и.в. 30-33/, шахсни фотосурат орқали таниб олиш баённомалари ва унга фото иловалар /и.в. 62-73/, тилхат, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини тўлиқ топган.

Дастлабки тергов органи томонидан З.Кучкаровнинг фирибгарлик яъни хавфли рецидивист бўла туриб, ўзганинг кўп миқдордаги мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклигига қаратилиши, ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга энгилроқ чора қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, етказилган зарар миқдори ва хусусияти, шахси, унинг жавобгарлигини энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ва булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиши лозимлиги;



2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи З.Кучкаровга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига иқдор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланганини, унинг шахсини, ёшини, оилавий шароитини, етказилган зарар қопланмаганини, жабрланувчининг давоси борлигини, жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсадини, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа барча ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ва жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг 2024 йил 12 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган 1 йил 1 ой кунини қисман кўшиш йўли билан ЖКнинг 60,61-моддалари тартибда жазо тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари, суд, жиноят иши бўйича етказилган зарарни муҳокама қилиб, 2025 йил 13 июнь кунига 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 12099.18 сўмни ташкил қилишини инобатга олиб, шу ҳисобда 5.000 АҚШ доллари бугунги кунда 60.495.900 сўмни ташкил қилишини инобатга олиб, судланувчи З.Кучкаровдан жабрланувчи К.Ўктамовнинг фойдасига 60.495.900 сўм моддий зарар ундиришни, ашёвий далил тариқасида олинган З.Кучкаров томонидан ёзилган тилхат ва 1 дона CD дискларни жиноят иши ҳужжатларида сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 453-457, 463, 465-468, 473-моддаларига асосан суд хайъати

Ҳ У К М Қ И Л Д И

Кучкаров Зафаржон Абдумуталович Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

З.Кучкаровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 5 /беш/ йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалари тартибда, З.Кучкаровга жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг 2024 йил 12 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг



ўталмаган 1 йил 1 ой кунини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 5 /беш/ йил 1 /бир/ ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 22 декабрдан бошлаб ҳисоблансин.

З.Кучкаров жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2024 йил 24 декабрдаги ажрими билан “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганлиги инобатга олинсин ва унга нисбатан иш бўйича қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи Кучкаров Зафаржон Абдумуталовичдан жабрланувчи Уктамов Комил Акрамовичнинг фойдасига 60.495.900 сўм моддий зарар ундирилсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган З.Кучкаров томонидан ёзилган тилхат ва 1 дона CD диск жиноят иши хужжатларида сақлансин.

Жабрланувчига фирибгарлик натижасида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиши ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилояти судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи, судья

(имзо)

Ч.Чоршамиев

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

Маъсул судья: Чоршамиев Чори Пардаевич

